#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

## **241** Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 16 майда руйхатдан ўтказилди, руйхат рақами 2585

Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўгрисида» ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ−2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўгрисида» ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.



20 (624)-сон — 161 —

241-модда

- 1. Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолаш тартиби тургисидаги низом иловага мувофик тасдиклансин.
- 2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. ТЕШАЕВ

Тошкент ш., 2014 йил 28 апрель, 101-сон

> Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2014 йил 28 апрелдаги 101-сонли буйругига ИЛОВА

# Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўгрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлдаги ПҚ—2003-сонли «Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўгрисида»ги қарорига мувофиқ наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

#### 1-боб. Умумий қоидалар


1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қулланилади:

наслчилик хужалиги — Наслчилик хужаликлари макомини бериш тартиби хамда улар фаолиятига қуйиладиган талаблар турчисидаги низомга (руйхат рақами 2578, 2014 йил 28 апрель) мувофик наслчилик хужалиги макомига эга булган юридик ва жисмоний шахслар;

**класс** — қишлоқ хужалиги ҳайвонларини баҳолаш натижаси билан белгиланадиган тоифа;

**лактация даври** — қишлоқ хужалиги ҳайвонларининг сут бериш даври; **экстерьер** — ҳайвоннинг ташқи тана тузилиши.

- 2. Зотини такрор купайтириш учун танлаб олинган наслдор эркак ҳайвонлар авлодининг сифати ва уз маҳсулдорлиги буйича текширилиши ҳамда баҳоланиши лозим.
- 3. Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолаш наслчилик ҳужалигида энг юқори курсаткичларга эга булган эркак ҳайвонни аниқлаш ва ундан селекция-наслчилик ишларида фойдаланиш мақсадида утказилади.





4. Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолаш наслчилик ҳужаликлари томонидан наслдор ҳайвонларнинг белгиланган маҳсулдорлик даражасига ҳараб утказилади.

## 2-боб. Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолашни ташкил этиш

- 5. Хар бир наслчилик хужалигида камида учта эркак ҳайвон текшириш ва баҳолаш учун танлаб олинади.
- 6. Текшириш ва баҳолаш учун танлаб олинган ҳар бир эркак ҳайвон учун у билан жуфтлаштириладиган ургочи ҳайвонлар ҳам танлаб олинади. Ургочи ҳайвонлар наслчилик ҳуҳалигининг узидан, шунингдек келишув асосида бошқа наслчилик ҳуҳаликлари ёки наслчилик ҳуҳалиги мақомига эга буҳлмаган ҳуҳаликлардан танланиши мумкин.
- 7. Жуфтлаштириш учун ургочи ҳайвонларни танлашда қуйидагиларга риоя қилиш зарур:

ҳар бир эркак ҳайвон билан жуфтлаштириладиган ургочи ҳайвонлар сони 60 бошдан, шу жумладан ёш ургочи ҳайвонлар сони 20 бошдан куп булиши;

жуфтлаштиришни 2-4 ой ичида амалга ошириш имконияти мавжуд булиши;

ота ёки она авлоди бўйича яқин қариндошларни жуфтлаштиришга йўл кўйилмаслиги;

танланган ургочи ҳайвонларнинг келиб чиқиши буйича камида учта бугин эркак аждоди маълум булиши.

- 8. Хар бир наслдор эркак ҳайвоннинг камида 25 нафар эркак ва 25 нафар ургочи болаларида текшириш олиб борилади ҳамда уларнинг ўсиши ва ривожланиши бўйича олинган натижаларнинг ўртача кўрсаткичи аниқланади.
- 9. Наслдор ҳайвонлар насл ҳиймати, маҳсулдорлиги, насл сифати буйича текширилади.
- 10. Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолашда наслчилик ҳужаликлари қуйидаги талабларга риоя қилишлари зарур:

ўз фаолиятида наслчилик тўгрисидаги қонун хужжатлари талабларига амал қилиши;

наслдор ҳайвонларнинг келиб чиқишини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжудлигини таъминлаши;

қишлоқ хужалиги ҳайвонларини мақбул шароитда сақлаши, парваришлаши ва озиқлантириши.

11. Наслдор эркак ҳайвонларни авлодларининг сифати буйича баҳолашда ҳуйидагилар инобатга олиниши зарур:

наслчилик хўжалигининг жойлашган манзили;

наслдор эркак ҳайвонларнинг сони ва сифати;

ургочи ҳайвонлар сони ва сифати;

ургочи ҳайвонларни сунъий уруглантириш ва улардан насл олиш муддатлари;



20 (624)-сон — 163 — 241-модда

олинган ёш авлодларни ўстириш ва сақлаш шароитлари;

авлодларини бошқа эркак ҳайвонлар авлодлари билан таққослаш натижалари.

- 12. Наслдор эркак ҳайвонлар авлодларининг кунлик ўсиш тезлиги ўсиш даврида олинган тирик вазннинг озуқа билан қопланиши ва ушбу авлоднинг маҳсулдорлиги бўйича баҳоланади.
- 13. Текширилаётган наслдор эркак ҳайвонларнинг авлодларини таққослаш қуйидагича амалга оширилади:

наслдор эркак ҳайвоннинг ургочи болаларини бошқа наслдор эркак ҳайвонларнинг ургочи болалари билан таққослаш;

наслдор эркак ҳайвон ургочи болаларининг маҳсулдорлигини оналарининг маҳсулдорлиги билан таҳқослаш;

наслдор эркак ҳайвон ургочи болаларини уларнинг тенгдошлари билан таккослаш:

наслдор эркак ҳайвон урғочи болаларининг маҳсулдорлигини наслчилик ҳужалигининг курсаткичлари билан таққослаш;

наслдор эркак ҳайвон ургочи болаларининг маҳсулдорлигини тегишли зот буйича минимал курсаткичлар билан таққослаш.

- 14. Танлаб олинган наслдор эркак ҳайвонлар текшириш ва баҳолаш якунида подани яхшиловчи, нейтраллаштирувчи ва ёмонлаштирувчи турларга ажратилади.
- 15. Подани нейтраллаштирувчи ва подани ёмонлаштирувчи деб топилган эркак ҳайвонлардан селекция-наслчилик ишларида фойдаланишга йул қуйилмайди.

## 3-боб. Наслдор эркак ҳайвонларни текшириш ва баҳолашнинг хусусиятлари

#### 1-§. Наслдор буқаларни текшириш ва бахолаш

- 16. Наслчилик хужалигида текшириш ва бахолаш учун авлодларининг сифати буйича бахоланмаган 12 14 ойликдаги наслдор буқалар танлаб олинади.
- 17. Наслдор буқаларни авлодларининг сифати буйича текширишда улардан доимий равишда уруғ олиш ва уларни узоқ муддат сақлаш учун музлатиб қуйиш талаб этилади. Музлатилган уруғлардан қандай мақсадда фойдаланиш буқаларни баҳолаш якунлангандан кейин аниқланади.
- 18. Наслдор буқа авлодларининг сифати буйича текширилаётганда унинг ургочи болалари тугилган пайтидан бошлаб яхши шароитда сақланиши ва озиқлантирилиши, уларнинг тирик вазни Наслли махсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш тартиби ва шартлари тугрисидаги низомга (руйхат рақами 2574, 2014 йил 9 апрель) мувофик, тегишли зот буйича І классни баҳолашда қуйиладиган минимал курсаткичлардан 10 20 фоиз юқори булиши керак.



- 241-модда 20 (624)-сон
- 19. Наслдор буқа авлодларининг тирик вазни туғилган пайтида, 8, 12, 15, 18 ойлигида текширилади ва туғилган пайтдан 18 ойлик булгунга қадар уларнинг кунлик ўсиши кузатиб борилади, экстерьери ва гавда тузилиши комплекс бахоланали.
  - 20. Сигирлар сут бериш даврининг иккинчи ойида сунъий қочирилади.
- 21. Сигирларнинг сут махсулдорлиги тўлик 305 кунлик ёки қисқа — 200 кунлик лактация даври маълумотлари асосида бахоланади.
- 22. Сут йўналишидаги сигирларда биринчи тугишидан бошлаб сутни кўпайтириш усули қўлланилади. Уларнинг сут махсулдорлиги 90 — 100 кунлик лактация даври маълумотлари асосида бахоланади.
- 23. Сигирларнинг сут махсулдорлиги тулик ёки қисқа лактация даврида хар ойда назорат соғими ўтказиш хамда соғилган сут микдори, унинг таркибида ёғ ва оқсилнинг улушини аниқлаш орқали бахоланади.
- 24. Лактация даврининг 2-3 ойида сигирларнинг тирик вазни, олдинги елин палласининг ривожланиш индекси ва сут бериш тезлиги аниқланади, шунингдек уларнинг экстерьери ва гавда тузилиши бахоланади.
- 25. Наслдор буқа баҳолаш якуни буйича подани яхшиловчи деб топилган такдирда, унинг авлодлари соғилган сут микдори, сут таркибида ёғ ва оқсилнинг улуши буйича тоифаларга ажратилади.

#### 2-§. Наслдор отларни текшириш ва бахолаш

- 26. Наслдор отлар ва уларнинг авлодлари экстерьери, гавда тузилиши, иш қобилияти ҳамда ҳаракат сифати буйича баҳоланади.
- 27. Наслдор айғирлардан селекция-наслчилик ишларида 5 ёшга тулгандан бошлаб фойдаланилади. Наслдор биялар 3 ёшга тулгандан кейин қочирилади.

### 3-§. Наслдор қүчқор ва такаларни текшириш ва бахолаш

- 28. Наслдор қучқорлар ва такаларни текшириш ва бахолашда Наслли махсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш тартиби ва шартлари тўгрисидаги низомга (рўйхат рақами 2574, 2014 йил 9 апрель) асосан, тегишли зот буйича I классни бахолашда қуйиладиган минимал курсаткичларга мувофик булган хамда бир хил ёшдаги ургочи куй ва эчкилар танлаб олинади.
- 29. Қоракулчиликда наслдор қучқорларни текшириш ва бахолаш учун ургочи қуйларни танлашда уларнинг тери бериш хусусиятига кура бир хил рангли тери берувчи типга ёки хар хил рангли тери берувчи типга мансуб эканлиги инобатга олинади.
- 30. Наслдор қучқорлар ва такаларнинг авлодлари 15 20 кунликда хамда онасидан ажратилган пайтда — 3,5 — 4,0 ойликда қайта сараланади.
  - 31. Қучқорча ва такачалар 8-9-ойлигидан бошлаб текширилади.
- 32. Наслдор қучқорлар ва такаларнинг авлодлари эгизак туғилганда, уларни бахолаш натижаларига 1,12 тўгрилаш коэффициенти қўлланилади.



#### 20 (624)-сон — 165 — 241-модда

- 33. Наслдор қучқорлар ва такаларнинг авлодлари 4 ойликдан 7 ойликкача булган даврда боқувга қуйиб семиртирилади хамда олинган тирик вазнинг озуқа билан қопланиши аниқланади.
- 34. Қучқорлар ва такаларнинг наслдорлигини бахолашда қушимча равишда қуйидагилар инобатга олиниши зарур:

она томондан қариндош булган урғочи авлодларнинг насл бериш хусусияти;

ургочи қуй ва эчкиларни қочириш сифати; олинган наслнинг ҳаётчанлиги; авлодларининг онасидан ажратиш пайтидаги тирик вазни.

#### 4-§. Наслдор хўрозларни текшириш ва бахолаш

- 35. Наслдор хурозларни текшириш ва бахолашда ёш хурозчалар олдиндан танлаб олинади. Улар хар 10 12 кунда жуфтлаштириладиган паррандалар яшайдиган бир уядан бошқа уяга ўтказиб турилиши керак.
  - 36. Наслдор хўрозлар куйидаги кўрсаткичлар бўйича бахоланади: паррандаларни уруглантириш хусусияти; ургочи болаларининг биринчи 4 ойида тухум бериш махсулдорлиги; тухум вазни, тухумлардан жўжалар чикиши; жўжаларнинг тирик вазни.
  - 37. Наслдор хурозлардан 2,5 3,0 йил фойдаланилиши зарур.

#### 4-боб. Якуний қоидалар

- 38. Наслдор эркак ҳайвонларни баҳолаш ва текшириш натижалари уларнинг келиб чиқиши, маҳсулдорлиги ва бошқа сифатларини тасдиқловчи ҳужжатларга киритиб борилади.
- 39. Бахолаш ва текшириш натижаларига мувофик подани яхшиловчи деб топилган наслдор эркак ҳайвонлар ҳақидаги маълумотлар Давлат наслдор ҳайвонлар китобларига киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекциясига тақдим этилади.

